

## РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

А. Ш. Мусаев

Янги аср университети

Республикамизда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, касбий компетентлигини шакллантириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, талабалар иштирокида педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг меъёрий асослари ва моддий техника базаси яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада замонавий ўқитувчига хос сифатларни ва касбий компетентлик даражаларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш уларнинг математик компетенцияларини ривожлантиришга шароитлар кенгайтирилади.

Мустақил таълим – билимларни ўзлаштириш таъсаввурларни ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадга мувофиқ, мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Ўқув жараёни самарали ўқитиш сифати ва талабанинг мустақил билиш фаолияти билан белгиланади. Бу ҳар иккала тушунча бир – бирига боғлиқ. Лекин мустақил ишга, бир қатор сабаблар туфайли, таълимнинг етакчи ва фаоллаштирувчи шакли сифатида қараш зарур бўлади. Билим, кўникма, малака, одат, эътиқод, маънавият кабилар ўқитувчидан талабага тўғридан – тўғри ўтиб қолмайди. Негаки фақат моддий ашёлар қўлдан – қўлга ўтади. Ҳар бир талаба уларни эшитиш, оғзаки ахборотни англаш, ўқиш, матнларни таҳлил қилиш ва англаш ҳамда танқидий таҳлил қилиш сингари мустақил билиш меҳнати орқали ўзлаштиради.

Мустақил таълим системасида асосий дидактик талаблар сифатида қуйидагилар илгари сурилади:

1. Мустақил таълим системаси талабаларнинг чуқур ва мукамал билим олишлари, уларнинг билим олиш қобилиятларини ривожлантириш, мустақил билим олиш, уни кенгайтириш, чуқурлаштириш, амалда қўллаш кўникмасини ҳосил қилишдек асосий дидактик вазифани ҳал этиши керак.

2. Система дидактиканинг энг аввало тушунарлилик ва тизимлилик, назария билан амалиётнинг алоқаси, онгли ва ижодий фаоллик, юксак илмий даражада таълим бериш сингари асосий принципларни қондириши зарур.

3. Талабаларда турли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун системага кирувчи ишларнинг ўқув мақсади ва мазмуни хилма- хил бўлиши керак.

4. Аудиторияда бажарилган аввалги мустақил таълимни бажарилишининг узвийлиги кейингиларини бажарилишида замин яратиши лозим. Шу йўл билан айрим ишлар орасида нафақат “яқин” балки, “узок” алоқа ҳам таъминланади. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш нафақат ўқитувчининг педагогик маҳорати балки, у айрим ишнинг ишлар тизимидаги аҳамияти ва ўрнини қандай тушуниш, талабаларнинг билиш, тафаккурлаш қобилияти ва бошқа сифатларини ривожлантириш кабиларга боғлиқ.

Аммо биргина система талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдаги ўқитувчи ишининг муваффақиятини белгиламайди. Бунинг учун яна асосий принципларни билиш лозим. Уларга амал қилиб мустақил ишларнинг, уларга амал қилиш методикасининг самарасини таъминлаш мумкин.

Агар мустақили иш ўқув жараёнининг асосий элементларидан бири бўлиб қолса ва унинг учун ҳар бир дарсда махсус вақт ажратилса, агар у доимий ва режали равишда ўтказилса, узук-юлуқ бўлмаса, унинг самарадорлигига эришилади.

Талабалар мустақил иши турлари таснифи. Ўқитувчининг топшириғи ва унинг назорати остида, аммо унинг иштирокисиз, бунинг учун махсус ажратилган вақт мобайнида талабалар томонидан бажариладиган иш мустақил иш дейилади. Бунда талабалар онгли равишда мақсадга эришишга интилади, ўзининг ақлий имкониятларини ишга солиб, ўз ҳаракатлари натижасини у ёки бу шаклда (оғзаки жавоб, географик тузилиш, тажриба тавсифи, ҳисоб китоблар ва бошқалар) ифодалайди. Мустақил иш ўқитувчи белгилаган вазифаларни самарали бажариш усулларини излаш, иш натижаларини таҳлил қилиш билан боғлиқ фаол ақлий ҳаракатларни талаб қилади. Ўқув жараёнида қўлланадиган барча турдаги Мустақил таълим талабалар ўқув фаолиятининг характери, дидактик мақсади, мазмуни, мустақиллик даражаси ва талабалар ижодий элементлари каби турли белгилари бўйича таснифланади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида таълим тизимини ахборотлаштириш, уни жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ таъминлаш жараёнлари бормоқда. Ўқув жараёнига ахборот коммуникация ва интернет технологияларни кенг жорий қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб қўйилган:

- таълим жараёнига замонавий ахборот коммуникация ва инновацион таълим технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш;

- таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозлаш;

- таълим жараёнини ташкил этишда электрон таълим ресурсларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Рақамли технологияларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш натижасида қуйидагиларга ҳам эришиш мумкин:

Электрон шаклдаги ўқув адабиётлари ва маъруза матнларининг мазмунини доимий равишда янгиллаб ва бойитиб бориш имконияти туғилади.

Ўқув хонаси талабалар учун интернет хонага айланиб боради.

Очиқ таълим платформаларни йўлга қўйишга замин яратилиб, унда талабалар республикамиздаги энг юқори малакали педагоглардан таълим олишга эришадилар.

Электрон ўқув адабиётларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш жуда кўп меҳнат талаб жараён ҳисобланади, лекин бир марта ишлаб чиқилгандан кейин улардан таълим жараёнида чексиз фойдаланиш мумкин. Бу эса ўз навбатида катта иқтисодий самара беради.

Таълим платформалари – ўқув ахборотларини нафақат етказди, балки уларни анимацион тарзда талабада тасаввур ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Қуйида келтириладиган ҳолатларнинг таълим платформаларини лойиҳалаш сценарийсини ишлаб чиқишда инобатга олиниши талаба

ўқув дастури ва ўқув-методик ишларини нашр этилишида қўйилувчи талабларга жавоб бера олиши;

Таълим платформаларининг муайян соҳа йўналиши бўйича биринчи бор тақдим этилаётган ёки аввал нашр этилган методик қўлланманинг электрон версияси сифатида тайёрланганлиги ва мазмунан умумий ёки махсус курсга тааллуқлиги;

маълум ўқув курси (ёки унинг бир қисми)нинг мазмунини очиб бериш ҳамда ўқув-методик мақсадларга эришишга имкон бера оладиган даражада ҳажмга эгаллик;

ўқув-методик мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўргазмали элементларга эгаллик; матнда гиперкўрсатмаларининг мавжудлиги, зарур ҳолларда WEB манбалари ва бошқа ахборот ресурсларининг кўрсатилганлиги;

талабанинг материални ўзлаштириш даражасини мустақил баҳоланишини таъминловчи назорат саволларининг мавжудлиги;

кўплаб тилларда ишлаш ҳамда имконияти чекланган талабалар учун махсус шароитларнинг яратилганлиги

Мустақил таълимда электрон таълим ресурсларидан ўринли фойдаланиш дарс мазмунини бойитади. Ўқитувчи оддий дарсда ўқитувчи китоби ва дарслик билан шуғулланибгина қолади холос, АКТ асосидаги дарсларда ўқитувчи бир нечта манбаларга мурожаат қилади. Жумладан электрон услубий қўлланма ва электрон ўқув қўлланма унинг учун ёрдамчи ҳамда етакчи материал бўлса, электрон топшириқлар ва тестлар, мультимедиа маҳсулотлари талабаларнинг мустақил ишлашлари учун асосий материал ҳисобланади.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Юзликаева Э., Ахмедова М., Курбонова Г., Ш.Ташметова. Умумий педагогика. Дарслик. – Т.: ТДПУ, 2012.
2. Маматов Д.Н. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойихалаштириш, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси автореферати, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2017 й., 52 бет
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан”, 2005. – 206 б.
4. Уразова М.Б. Становление готовности будущего учителя к проектированию и педагогических технологий. Ташкент: Фан, 2007. – 138 с.